

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК  
ФАНИ МИСОЛИДА)**

**Шерзод Иброим ўғли Иброимов**  
Тошкент вилояти Чирчик давлат  
педагогика институти  
Табиий фанлар факультети

**Гулчехра Курдашевна Юсупова**  
Тошкент вилояти Чирчик шаҳар  
12-сонли мактаб бошлангич  
синф ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада бошлангич синфдаги дарсларнинг таълими, тарбиявий ва ривожлан-тирувчи вазифалари, бошлангич синфларда дарс тўзишни ўзига хослиги, кичик мактаб ёшидаги болалар билан табиат кучоғида ўқув машғулотларини утказиш ёритилган.

**Калит сўзлар:** дарс тўзиш, жараён, муҳит, ўқувчи ёши, фанлар тизими.

**CHARACTERISTICS OF ORGANIZATION OF THE LEARNING PROCESS  
IN PRIMARY SCHOOLS (ON THE EXAMPLE OF NATURAL SCIENCES)**

**Sherzod Ibroim ugli Ibroimov**  
Tashkent region Chirchik state  
pedagogical institutes  
Faculty of Natural Sciences

**Gulchexra Kurdashevna Yusupova**  
School teacher at school No. 12 in  
Chirchik, Tashkent region

**ABSTRACT**

The article describes the educational, pedagogical and developmental tasks of primary school lessons, the specifics of teaching in primary school, conducting nature lessons with children of primary school age.

**Keywords:** lesson planning, process, environment, student age, science system.

**КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигига эришгандан сўнг иқтисодий хамда ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йулига эга булди. Мустакиллик омили таълим соҳасини хам тубдан янгилаш имконини берди.

"Таълим тўғрисидаги қонун"нинг "Давлат таълим стандарти" тўғрисидаги еттинчи моддасида белгилаб берилганидек, давлат таълим стандартлари

умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар хамда олий таълим мазмунига сифатига, куйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини талаблари ва меёрий курсаткичлари белгилаб куйилади.

"Таълим тўғрисидаги қонун" да таъкидланганидек: "Мактабнинг 1-синфига болалар 6-7 ёшдан кабул килинади." Бошланғич таълим концепциясида эътироф этилганидек 6 ёшга тулган хар кандай бола ақлий, рухий ва жисмоний жихатдан мактабга ўқиш учун тайёр бўлганда мактабнинг моддий техник баъзаси бундай болаларга таълим бериш учун етарли деб хисоблагандахамда ўқувчилар педагогик хамда психолого-педагогик жихатдан олти ёшли болаларни ўқишга тайёр бўлганда уларни мактабга кабул қилиш мумкин. Бунинг учун 6-7 ёшли болалар, мактабнинг моддий техник баъзаси хамда уқитувчилар педагогик ва психолого-педагогик талаблар асосида катъий диагностика килиниши шарт".

Ўзбекистон Республикаси да "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом" да таъкидланганидек; "Бошланғич таълим ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва куникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари бўзини-ўзи назорат қилиш ўқуви, нутқ ва хулқ-атвор маданияти, шахсий гигиена ва соглом турмуш асослари эгаллаб олишини таъминлаши даъват этилган". Шу асосга кура Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг умуммаданий ва ахлоқий куникмалари, дастлабки саводхонлик малакалари шакллантирилиши лозим. Бошланғич таълим жараёни болаларнинг мантикий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунё қарашини, комуникатив саводхонлигини ва ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантиришда, жисмонан соглом бўлишга, моддий борлик гўзалликларини хис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан завклана олишга, миллий урф-одатларни хис эта олдишга ва ардоклашга, уларга риоя қилишга ургатади.

Тарбиявий максад: ўқувчиларга гоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат, малака ва кўникмаларни хосил қилиш, шунингдек ўқувчиларнинг билишга бўлган фаолиятини ошириш куйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларни ватанпарварлик ва поклик руҳида тарбиялаш;

- хар томонлама ривожланган, маънавий жихатдан бой мустакил фикрловчи шахсни шакллантириш;

- ростгуйлик, ўзга хақига, унинг қадриятларига ҳурмат билан қарашлик, иймон, эътиқод, дустлик, ўз кадрини билиш ва иродалилик каби сифатларни шакллантириш.

Тарбиявий (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик каби) максад амалга оширилади. Тарбиявий максадни амалга оширилишига мўлжалланган матнлар эса дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларда ўз ифодасини топади.

Таълимий максад: таълимий максад деганда-дарс жараёнида ўқувчиларни тафаккурини устириш ва фанларни ўзлаштиришни эгаллаган билимларини ривожлантириш тушунилади.

Ривожлантирувчи максад ўқувчи шахснинг ақлий, хиссий ва мотивацион(ички турткى)хусусиятларини ривожлантиришни ифодалайди. Ривожлантирувчи максад нутқий харакатлар туфайли юзага чикади. Ривожлантирувчи максад ўқувчиларни дарс жараёнида ва дарсдан ташкари вактларда мустақил бўлиб ўқиб ўрганишга йуналтирилади.

Ўқувчиларни тайёргарлик даражасига қуйиладиган мажбурий минимал талаблар.

умумий ўрта таълим икки боскичдан иборат бўлиб, бошлангич(1-4 синфлар) ва умумий ўрта таълим (1-9 синфлар)ни қамраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бошлангич хамда умумий ўрта таълим нихоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни минимал даражасига белгилаб беради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1-4 синфлар она тили ва ўқиши.

Бошлангич синфларда ўқувчилар она тили ва ўқиши буйича қўйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

А) ўқиши техникаси буйича:

микдорий курсатгич: бир дакикада 80-90 сўзни ўқий олиш.

Талаблар:

- харфларни тўғри талаффўз қилиш;
- сўзларни тўғри ўқиши;
- гап охангига риоя килган холда равон ва образли ўқиши;
- гапдаги тиниш белгиларни талаффўзда акс эттириш;
- санаш ва ажратиш охангларидан тўғри фойдаланиш;
- сўз урғуларига риоя қилиш;
- охангга риоя қилиш;
- илмий атама ва рамзларни тўғри талаффўз этиши;

Б) матн мазмуни ва ўзгалар фикрини англаш малакаси буйича; микдорий курсатгич: 10 дакикада 4-5 сахифали матнни ўқиб, қайта сўзлаб бера олиш.

Талаблар:

- офзаки нутқнинг тўғри, равон, аниқ, тушунарли таъсирчан бўлиши;
- монологик нутқнинг равон бўлиши;

-диологик нутқда таъсирчан, изчил, мантикий жихатнинг аниқ бўлиши;

В) диктант ёзиши малакаси:

Миқдорий курсатгич: 75-80 сўздан иборат диктант ёза олиши. Талаблар:

- имло хатоларга йул куймаслик;
- ижодий матннинг мантикий жихатдан изчиллиги;
- берилган изоларнинг аниқлиги;
- лугатларни тўғри ва аниқ берилиши;

Ўзбек тили.

Таълим тилидан бошқа тиллирда олиб бориладиган мактабларнинг 1-4 синфларда давлат тили таълдимидан ўқувчилар куйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- ўзбек тилидаги 700 та сўзни нутқларида қуллай олиш;
- мамлакатимиз мустакиллиги рамзлари ва байрамлари хақида сўзлаб бериш;
- ёзма ва оғзаки нутқларга эга бўлиш;
- фикр баён қилиш учун зарур бўлган айрим грамматик воситаларни ўз урнида қуллай олиш;
- боғланишли нутқ элеменларидан тўғри фойдаланган холда содда матн тузা олиш;
- халқ оғзаки ижоди хамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни ўқиб тушуна олиш;

Математика.

Бошланғич синфларда ўқувчилар математикадан куйидаги билим куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- сонларни ўқиши ва ёзиши, уларнинг хона кушилувчиларини йигиндиси куринишидаги сонларни тушуниш;
- натурал сонларни тўғри таккослаш "катта", "кичик" ва "тeng" белгиларини тўғри қуллаш.
- сонларни ёзма кушиш, уч хонали ва турт хонали сонларни айриш, бир хонали ва икки хонали сонга купайтириш ва бўлиш;
- кўшиш, кўпайтириш, айриш ва бўлишнинг холларда юз ичида оғзаки хисобларни бажара олиш;
- "йигинди", "айирма", "купайтма" ва "булинма" атамаларини маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишида кулай олиш;

Жисмоний камолотга оид:

- инсон саломатлигини ва жисмоний камолотига оид тушунчаларни билиш;
- чиникиш моҳиятини англаш;
- гимнастика машкларини бажара олиш;
- шахсий гигиена меёrlарига амал қилиш;
- жисмоний машкларни инсон камолотини таъминлашдаги ахамиятини англаш;

-жисмоний тарбия машкларни хавфсизлик коидаларига риоя килган холда бажара олиш;

-миллий уйинлар коидаларини билиш;

-турли спорт уйинларини элементларини куллай олиш;

Мусиқага оид:

-мусиқа бадиий санъат эканлигини билишлари;

-халк мусиқа мероси хақида тушунчага эга бўлиш;

-чолғу асбобларини билиш ва товуш тембрларидан уларни фарқлай олиш;

-мусиқага оид оддий атамаларни билиш;

-нота ёзувларини билиш ва амалда куллай олиш;

-биргаликда ва якка холда куйлай олиш;

-мусиқанинг ифода воситаларини билиш;

-ижрочилар турларини ижро садоларидан фарқлай олиш;

Тасвирий санъатга оид:

-тасвирий санъат ва унга оид ибораларни билиш;

-асосий рангларни фарқлай олиш;

-бадиий материаллар, асбоблар ва жихозларни фарқлай олиш;

-расм ишлаш босқичларини билиш;

-нақшлар ва уларнинг хусусиятини билиш;

-буёқни ўз урнида ишлата олиш;

-табиат манзараларини кўзатиш ва тасвирлай олиш;

-буюмлар ясаш ва уларни безата олиш;

-турли рангларни хосил кила олиш;

-бадиий тасвирларнинг жамият хаётида тутган урнини билиш;

Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид:

-Ватан тушунчасига эга бўлиш;

-давлат тушунчаси, давлатнинг рамзий белгиларини, она Ватан туйғусини англаш;

-Ўзбекистон ахолиси ва миллий таркибини билиш;

-мамлакат хаётидаги буюк саналарни ва байрамларни билиш;

-ахлоқ ва кийиниш меёrlарини билиш;

-уйтушишни билиш;

-мехмонга, атрофдагиларга мулизамат кўрсатиш;

-дастурхон тўзатишни билиш;

-орасталик меёrlарини билиш;

-ўз туғилган жойи ва улкаси хақида тушунчага эга бўлиш;

-техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш;

-уй рўзгор ишларини бажара олиш;

-содда конструкторлик ишларини бажара олиш;  
-дурадгорликка оид содда ва енгил ъишларни бажара олиш;  
-оддий бичимли тикиш ишларини бажара олиш;  
-инсон меҳнатини фаолият турларини англаш;  
-хукук ва хукукбўзарлик тасаввурига эга бўлиш;  
-қишилек ва шахар ахолиси хаётини билиш;  
-уй хўжалиги хақида маълумотга эга бўлиш;  
-оила ва унинг қандай ташкил топишини билиш;  
-инсоннинг пулга бўлган эҳтиёжини англаш;  
-пул бирликларини билиш;  
-нарх ва унинг ўзгарувчанлигини билиш;

## НАТИЖАЛАР

Болаларни теварак атрофга табиат билан танишириш, уларда табиат ходисаларини қандай юзага келиши хакида Бошланғич тасаввур хосил қилиш, илмий дунёқараш кўртақларни шакллантириш, табиатга мухабbat уйготиш ва ундан оқилона фойдаланишни ургатиш, табиат таълим соҳаси оркали амалга оширилади.

Табиат таълим соҳаси буйича стандарт курсаткичлар боланинг табиат ва ундаги ходисалар хакидаги тасаввуларига эга бўлиши, уларни фарклай олиш, қискача тавсифлаб бериш хамда амалда куллай олишга ўрганиш нуктаи назаридан белгиланади.

"Атрофимиздаги олам" фани 1-11 синфларда уқитилади, курснинг вазифаси болаларнинг предмет ва табиат ходисаларини, ижтимоий хаёт хакидаги тасаввурларини кенгайтириш, системага солиш, уларнинг ахлоқий қўнималарини бойитиш, одамлар хаёти ва меҳнатига кизикиш уйготиш, оила, мактаб, жамоат жойларида ўзини тўғри тутиш қўнималарини шакллантиришdir.

Болаларнинг атроф олам хакидаги тасаввур ва тушунчаларини шакллантириш билан боғлик холда уларнинг сўз бойликларини ошириш зарур. Атрофимиздаги олам билан танишириш жараёнида асосий диккат эътибор экологик муаммоларга каратилади. Бунда инсоннинг табиатга таъсири, усимликларнинг усимлик билан, ўсимликларнинг хайвонлар билан, хайвонларнинг хайвонлар билан ўзаро алокаси ва боғликлиги ўрганилади. Даастур куйидаги булимлардан иборат:

1. Атрофимиздаги олам жисмлари, жисмлар хусусиятлари, жисмларнинг фазода жойлашиши.
2. Она табиат.

3. Якин атроф мухит билан танишув.

4. Соғликни сақлаш.

5. Саёхат.

## МУХОКАМА

Ўсимлик ва хайвонларнинг баъзи турларини чукуррок ўрганиш "ўсимлик ва хайвонлар" мавзуларида кўзда тутилади. Бу мавзуларни ўрганишда баъзи турларнинг ўзига хос белгиларини ажратиб олиш мақсадида аниқ предметларни таққослашга катта аҳамият берилган.

Ҳайвонларни тасвирлашда ўқувчилар улар танасининг фақат асосий қисмларини айтадилар. Тананинг бошқа қисмлари бу қисмларнинг яққол ажратиб тўрган характерли ёки шакли таниш белгиси бўлиб, бир ҳайвонни бошқасидан ажратиш учун хизмат килган холда кўрсатилади.

"Ўсимликлар ва хайвонлар" мавзулари буйича билимларни мустахкамлаш учун ўқувчиларнинг табиий материал билан ишлари қўлланилади. Ўқувчилар аниқ мисолларда табиатдаги ўзаро алоқаларни куриш, жонсиз табиат, жонли табиат билан кандай боғлиқлиги, бир хил организмлар бошқа хиллари билан кандай боғлиқлиги, табиатдаги озиқланиш занжирини билишлари керак.

Болаларни жамият хаёти билан таниширишнинг турли хил шакли, услугуб ва воситалари мавжуд: экспурсиялар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишчилари билан учрашувлар, мўзей, театр, клубларга бориш, сухбат ва ўқишилар, кинофильмлар, диафильмлар, теле ва радио курсатувлари томоша қилиш ва байрамларга тайёргарлик куриш ва х.к.

Атрофимиздаги олам предмет ва объектлари хакида шаклланган тасаввурларни ўқувчилар ўқув машғулотлари, дидактик ва ижодий уйинлар, ўз-ўзига хизмат қилиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилиш жараёнида амалий мустахкамланган. Шу тарзда атрофдаги олам билан танишиш буйича материалларни ўрганишда ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг хар тарафлама етук шахс бўлиб ривожланиши мақсадида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи масалалар ҳал килинади.

Табиатшунослик фанини ўрганишда кўзатиш, экспурсия, тажриба, амалий ишлар етакчи урин тутади. Болаларни кўзатиш усууларига ўргатиш, уларнинг натижаларини кундалик дафтарга белгилаш, улар асосида хуроса ва умумлаштиришлар қилиш давом эттирилади. Экспурсиялар утказишда, табиат ашёлари ва вокелигини табиий холда ўрганишга катта эътибор берилади. Бу юкори кургазма асосида синфларда утказиладиган дарсларга хам тегишлидир.

Шунинг учун табиатшунослик дарсларини ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарур.

## ХУЛОСА

Саёхат: 1.Жонли ва жонсиз табиатнинг турли асосий жойларини курсатиш. 2.Инсонлар таъсири оркали табиатдаги ўзгаришлар. 3.Табиатни асраш (ботаника боғига, ҳайвонот боғига, экологик йулак ва бошқалар).

## REFERENCES

1. To'raqulovich, RF, va Umirkulovich, SA (2020). O'ZBEKISTON XO'JALIKLARI: RIVOJLANTIRISH, Ixtisoslashish, geografiya. Tanqidiy sharhlar jurnali , 7 (6), 1189-1196.
2. Шерзод Иброим Үғли Иброимов (2020). ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, (4), 412-417.
3. Radjabov, F. (2020). Oziq-ovqat sanoatining individual tarkibini va qishloq xo'jaligi mahsulotlarini etkazib berishdagi rolini tavsiflab bering. Xalqaro ilg'or ilmlar va texnologiyalar jurnali , 19 (1), 292-294.
4. Шерзод Иброим Үғли Иброимов, & Махмуджон Жалолитдинович Болтаев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Academic research in educational sciences, (1), 21-26. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00004
5. Ражабов, Ф. Т., & Олимова, А. А. (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3).
6. Sherzod Ibroimov, & Muhayyo Madaminova (2020). MAKTABLARDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH. Academic research in educational sciences, (1), 54-60. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00009
7. Ражабов, Ф. Лобар Джураева, & Асрор Махмадалиев (2020). УЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences,(3), 674-686.
8. Шерзод Иброимов, Махмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛАНТИРИШИ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
9. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.

10. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Ibroimov, S. I. (2020). BUGUNGI KUNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARING AHAMIYATI VA ULARNI TARIX DARSLARIDA QO'LLANILISHI. Academic research in educational sciences, (4), 59-63.
13. Abdimurotov, OU (2020). XALQARO PISA DASTURI UChUN KELAJAKLARGA GEOGRAFIYA O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHNING MUHIMI. *Iqtisodiyot va sotsium*, (5-1), 3-8.
14. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Abdurauf Abdurahim Ogli Yusubaxmedov (2020). О'ZBEKISTON HUDUDINI TIBBIY-GEOGRAFIK BAHOLASH USULLARI. Academic research in educational sciences, (4), 418-424.
15. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O'RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
16. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ) МИСОЛИДА. Academic research in educational sciences, (4), 486-491.